

ЧЭБ  
10.01.11  
Т88

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
Ҳ. С. СУЛАЙМОНОВ НОМИДАГИ ҚҰЛЁЗМАЛАР ИНСТИТУТИ

Кўлёзма ҳуқуқида  
УДК + 894.375.092  
Яйфоний

ТУРДАЛИЕВ ЛАТИФ

МАҲМУД ҲАКИМ ЯЙФОНИЙ АДАБИЙ  
ВА ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ МАНБАЛАРИ

10.01.11 — Адабий манбашунослик ва матншунослик

Филология фанлари номзоди илмий даражасини  
олиш учун ёзилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент — 1997 йил

Тадқиқот Ўзбекистон Республикаси ФА Ҳ. С. Сулаймонов  
номидаги Қўлъёзмалар институтида бажарилган.

**Илмий раҳбар:**  
филология фанлари доктори М. ҲАКИМОВ

**Расмий оғизентлар:**  
филология фанлари доктори, профессор Л. ҚЛЮМОВ  
филология фанлари номидаги, доцент Л. ЗОҲИДОВ

**Етакчи илмий муассаса:**  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Алишер  
Навоий номидаги Адабиёт институти

Ҳимоя Ўзбекистон ФА Ҳ. С. Сулаймонов номидаги Қўлъёзмалар институти қошидаги Д 015.91.01 ихтисослашган  
кенгашининг 1998 йил «14 »январь саат 10<sup>00</sup>да ўтадиган  
мажлисида бўлади (700011, Тошкент, Навоий кўчаси, 69).

Диссертация билан Ўзбекистон ФА Бош кутубхонасида  
(700170, Тошкент, И. Мўминов кўчаси, 13) танишиш мумкин.

Автореферат 1997 йилнинг «9 »декабри да  
тарқатилди.

Ихтисослашган кенгашнинг  
илмий котиби, филология фанлари  
доктори —

Қ. П. СОДИКОВ

## ТАДЖИКОТНИНГ УМУМИЙ ТАВСИЕИ

МАВЗУНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ. Маърифатпарвар шоир ва олим Махмуд Ҳаким Яйғоний (1850-1930) XIX аср иккичи ярми ва XX аср биринчи чорагидаги Қуқон адабий мұхитига даҳлдор ижодкорлардандир. Унинг таржимал ҳоли ва иходий меросига оид қулёзма ва босма манбаларни қишириб топиш, улар устида атрофлича тадқиқот ишлари олиб бориш, бу серқира ижодкорнинг адабий ва илмий меросини холис баҳолаш бугунги кунда алоҳида аҳамият касб этади. Махмуд Ҳаким Яйғоний ҳаёти ва иходига бағишлиланган илмий мақолалар куп эмас. У ҳақдаги дастлабки маълумотларни биз Ахлulloh Ҳайбуллининг "Садои Туркисто" газетаси 1914 йил 19 ва 26 ноябрь сонларида босилган "Таққид" сарлавҳали мақоласига учратдик. Шудан эллик йилдан ортиқ вақт утганда кейингина Махмуд Ҳаким ҳақида, унинг илмий ва адабий иходи ҳақида ёзилган айрим мақолалар кўрина бошлади. А.Қодиров, Н.Турсунов, А.Мадаминов, Ҳ.Дикматуллаев, Т.Бейсембиеев, М.Ҳасаний, С.Каримова, Ҳ.Бобобеков сурʼигари тадқиқотчиларнинг ишлари фикримизга давлат сула олади. Лекин шуни ҳам таъкидлаш лозимли, А.Қодиров ва М.Турсуновларнинг ҳаммуаллиғликда рус тилида ёзган мақолалари ҳамда А.Мадаминов эълон қилгас мақолаларни истисно қилгаңда, бошқа муаллифлар Махмуд Ҳаким асарларига фақат айрим мақсадларни кўзда тутган холди мурожаат қилганлар. Унинг ҳаёти ва иходини маҳсус тадқиқ қилишни назарда тутмагандар. А.Қодиров ва Н.Турсунов мақолаларида Махмуд Ҳакимнинг таржимал ҳоли бирмунча кенгрок ёритилган бўлса-да, асосий эътибор унинг тиббиётга оид асарларига қартилган.

Махмуд Ҳаким Яйғоний ҳаёти ва иходий мероси ҳақида нисбатан кенгрок маълумотлар филология фанлари номиди А.Мадаминов томонидан 1972, 1973 ва 1976 йилларда шаҳар, туман, вилоят рӯзномалари ва "Адабий мерос" тўпламида эълон қилинган мақолаларда мавjud.

Мазкур мақолаларнинг аҳамиятини заррача камситмаган ҳолда шуни ҳам айтиб утиш коизки, улар ассоан ахборот ўзакида булиб, Махмуд Ҳаким ҳаёти ва иходий мероси чуқур ҳамда батағсил тажхил этилмаган. Махмуд Ҳаким Яйғоний асарларининг қулёзма манбалари уларнинг бугунги кунда қанчалик аҳамиятга эга эканлиги маҳсус урганилган эмас. Ана шу нуқтаи назардан ушбу тадқиқот биринчи марта Махмуд Ҳаким Яйғоний ҳаёти ва иходий меросини атрофлича ёритишга бағишлиланганлиги билан алоҳида акралиб туради.

ТАДҶИКОТНИНГ ИЛМИЙ ЯНГИЛИГИ. Дииссертациянинг асосий вазифа-

си - Махмуд Ҳаким Яйроний ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳақида батағсил маъдумот бериш, олим асарларининг қўлёзма ва тошбосма манбаларини илмий тавсифдан утказиб, уларнинг мавжуд нашрларини ноёб дастхат нусхалар билан қиёслаб таҳлил этиш асосида илмий ва адабий жамоатчиликда мазкур серкисида олим ва адиб ҳақида нисбатан тулиқ тасаввур яратишдан иборат.

Ёкорида таъкидлаб утилганидек, Махмуд Ҳаким Яйроний ҳаёти ва ижодий мероси буйича ушбу йуналишца илмий иш қилинган эмас. Таџиқотда Махмуд Ҳаким асарларининг F.Ғулом номидаги Фарғона вилоят адабиёт музейи фондида сақланадиган ноёб пастнавис нусхалари ва тошбосма нашрлари устида илмий иш олиб борилди. Диссертацияда, шунингдек Махмуд Ҳакимнинг таржими ҳолига оид бўлган ноёб хуҗат - васиқалар биринчи марта илмий истифодага киритилди. Натижада унинг илмий даҳилларга асосланган тулиқ таржими ҳоли тикланди.

Шунингдек, таҷиқотда биринчи марта Махмуд Ҳакимнинг шеърий меросини ўзида камлаган "Девони Ҳакимий" асари манбашуноолик ва адабиётшунослик нуқтаси назаридан таҳлил этилди. Мирзо Абдулқодир Зедил ҳамда бошта шоирлар мухитининг Махмуд Ҳаким ижодига таъсири масалалари алоҳида ва батағсил урганиб чиқилди. Махмуд Ҳакимнинг шеъриятда Фурқат изидан бориб, илм-маърифти кўйлаш анъанасини муваффақиятли давом эттирган ижодкор эквалиги куплаб мисоллар орқали исботлаб берилди. Шу билан бирга Махмуд Ҳаким адабий мероси фақат шеърлардан иборат булиб қолмай, шайхурраис, тиб илмининг отаси Абу Али ибн Сино ҳақидаги қиссани ҳам уз ичига олади. Мазкур қисса ҳам биринчи марга илмий истифодага киритилди.

Махмуд Ҳакимнинг тарихий асари - "Хуллас ут-таворих" ҳақида тадқиқотчилар мазкур асрнинг 1914 йилда чоп этилган нусхасигагина асосланган ҳолда (Т.Бейсембиев бундан мустасно) фикр юритиб келмискалар. Дииссертацияда мазкур асарнинг 1925 йилда муаллиф қули билан кўнирилган энг сўнгги тулиқ нусхаси биринчи марта илмий таъкиқ ва таҳлил этилиб, "Хуллас ут-таворих" баъзи тадқиқотчилар таъкидлаганидек, "Тарихи Шаҳрухий"нинг таржимасидан иборат өмаслигини исботлаб берилди.

Маълумки, Махмуд Ҳаким ижодий меросининг бир қисмини тиббиётга оид асарлар ташкил этиди. Ушбу ишда унинг "Тарик ул-илок" асари биринчи жилцидан биззагча етиб келган айrim парчалар ҳом таъсиқотга тортилиб, асрнинг иккичи жилци қўлёзма ва тошбосми шуохаларини бир-бирига қиёслаган ҳолда биринчи марта илмий тиббиётни. "Мукарработи Махмудий" ва "Қонун ул-илок" асарлари ҳом биринчи

марта илмий тассиф ва тадқиқ этилди.

ТАДҚИҚОТНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ. Диссертациянинг боз вазағаси – Махмуд Ҳаким Яйғонийининг XIX аср инкинчи ярми ва XX аср бошларидаги адабиёт, тарих фанлари риёсиги тутган үринин аниқлаш ва илмий баҳолашдан иборат. Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда тадқиқотимиз олдица қўйидаги вазифалар туради:

– олим асарларининг қўйёзма нусхалари ва айrim томбосма нашрларини илмий тасвиғдан ўтиказиш.

– улар ичига алоҳида аҳамиятга эга булган асарларни ажратиб олиб, нашр этишига тайёрлаш.

– Махмуд Ҳаким иходий мероси билан бундан кейин шуғулланувчилар учун қулағлик яратим.

ТАДҚИҚОТНИНГ УСЛУБИ ВА НАЗАРИИ АСОСИ. Диссертацияни ёзишда тарихий-киёсий услубдан фойдаланилди. XIX-XX аср Қўқон илмий ва адабий мухити намояндайлари ҳэти ва асарларининг қўйёзмаларини тадқиқ этишда устоз манбасуннос ва матнушнос олимларниң туплаган йиллик таҳрибалари асосий ўллантма булиб хизмат қилин.

Мазкур яшни ёзишда И.Муминов, А.Даумов, Ф.Каримов, А.Абдурағуров, А.Қодиров, Н.Турсунов, Ҳ.Ҳикматуллаев, Т.Бейсембиев каби олимларнинг ишларидан, уларнинг ташқиқотларда эришган ютуқларидан фойдаланилди.

ИШНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ. Таҳқиқотни баён этилган фикр-мулоҳазалардан адабиёт, тарих буйича иш олиб бораётган мутахассислар, универсиготлар, институтлар ва башка илм маскенларининг талабалари манба сифатида фойдаланса булади. Бундан ташқари, Узбекистоннинг энг янги тарихи, Узбек адабиёти тарихи сингари дарсоликларнинг ҳозирги замон телабига жавоб берадиган янги нусхаларини яратишда фойдаланиш мумкин.

ИШНИНГ ЖОРИЙЛАНИШИ. Таҳқиқот мавзуи Узбекистон ФА Ҳ.С.Сулаймонов номидаги Қўйёзмалар институтининг 1992 йил 22 апрелда ўтиказилган илмий конғошида тасдиқланган. Диссертация мавзуи взасидаи "Адабий мерос" илмий тупламица ва "Фурқат иходиёти" китобина ҳами З та мақола эълон қилинган. Бундан ташқари, Қўқон Ҷавнат пәндароги институти профессор ва үқитувчиларининг 1994-1995 йилларда булиб утган илмий-назарий конференцияларидаги қилинган маърузаларда ҳам мазкур тадқиқотга оид фикр-мулоҳазалар баён қилинган.

ИШНИНГ ҲАММИ ВА ТУЗИЛИШИ. Диссертация уз олдиға қўйилгэн мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, кириш, уч боб, хулоса

## ТАДЖИКОТНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш киомида тадқиқот мавзуининг цолзарблиги илмий асосла-ниб, таджикотнинг илмий жиҳатдан янгилиги, унинг мақсад ва вази-фалари ишнинг услубий ва назарий асоси, унинг назарий ва ёмалий аҳамияти жақида бирор юритилади.

Биринчи боб "Махмуд Ҳаким Йиёнининг ҳаёт йули ва асарлари-нинг тасвиғи" деб номланган. Махмуд Ҳаким Йиёнин - Ҳуқандий-Фар-ғоний 1850 йилда ҳозирги Фарғона вилояти Узбекистон туманинга қа-рашли Пастки қўриқ қишлоғида туғилди. Бу қишлоқ байзи хужжатларда "Пастки Йиғон" деб ҳам номланган. Унинг ота-боболари уз даврининг таникли кишилари булишган<sup>1</sup>.

Махмуд Ҳаким бошлангич таълимни уз қишлоғида олди. Суярга у Қўқон шаҳрида Муҳаммадалихон (Мадалихон) қўрцирган "Мадрасаи хон"-да таҳсил олган. Мадрасада у араб форс тилларини пухта урганди. Шарқнинг буюк шоирлари Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз, Йомий, Навоий, Ӯзузлий, Бедил асарларини сөвиги чуголаа қилди.

Махмуд Ҳаким уз умри давомида иккى марта уйланган. Биринчи рафиқасидан (афсуски номи биззача ҳозиргача номаълум) Ахмаджон, Биби Зайнаб ва Рисодатбibi исмли фарзандлари булган. Рафиқаси ва-фот этганидан сунг қўқонлик Ҳамроҳон исмли аёлга уйланиб, ундан Оминабиби исмли киз куради. Буладарга ташқари Абдусамад, Абдул-азиз исмли угиллари ҳам булган. Лекин улар кичикилигида вафот этиб кетганлар, Махмуд Ҳаким ҳаёти ва фаолиятига оид айrim муҳим маъдумотлар, хужжатлар ва унинг байзи асарлари мазкур Оминабон Махмудова (1920-1973)дан олияган.

ХХ асрнинг бошида Махмуд Ҳакимнинг ташаббуси билан Йипанда олимлар ва шоирларнинг катта анжумани утказилган. Тарих, фалофа ва башқа фанларнинг урганилиши мухокама қилинган<sup>2</sup>. Худди шу даврларда Махмуд Ҳакимнинг бадиий ва илмий икоди баракали булган. У "Ҳакимий" таҳаллуоида фалсафий-маърифий шеърлар, фаннинг бир қанча соҳалари буйича илмий асарлар ёэди. Махмуд Ҳаким 1913 йилда Муқимий ва Фурқат шеърларини жемлаб уз ҳаракати ва ҳаракати билан "Баёз мaa ҳажвиёти Мавлоно Муқимий мaa Фурқат" номли китоб чоп эттириди. Худди шу даврда у "Девони Ҳакимий" деб номланган уз

I. Кадыров А. Турсунов Н. Видный узбекский учёный и врач Махмуд Ҳаким Йипаний-Қоканди. Медицинский журнал Узбекистана, Ташкент, 1966, № 12, с.56.

2. Кадыров А. Турсунов Н. Курсатилган мақола, с.57.

шөйрларидан иборат девон тузди. "Қиссан Абу Али Синои туркий" насрый асарыны, Құқон хонлари тарихидан жының құлувчи "Хуллас ут-таворих" асарини яратти. Шүнингдәк, "Авроди Зайнабия" ("Зайнаб цуолари"), ер үлчаш ва таноб (топография) илмігің дөир "Фаният ул-масоҳат" номлы құллаңма рисола ҳам бітди. Бұз асарлардан айримде, масалан, "Қиссан Абу Али Синои туркий", "Хуллас ут-таворих", "Фаният ул-масоҳат" 1913-1915 йилларда Құқондағы Шумаков, Вайнер матбаадарыда нахр әтілген.

Махмуд Ҳаким ёшлигідан табибчilikта ҳам қизиққанлиги учун құқонлик мешхур Бокийхон ҳакимдан табобат сирларини үрганды. Шүнингдәк, Әзакариә әр-Розий, Абу Али ибн Сино, Мұхаммад Акбар Арzonий Ҳаким Нажибободий, Мұхаммад Ҙусуп каби машхур олимлар асарларини мустақиқ мутолаа қылды, рес вральярнинг тажрибаларини ҳам ижодий үзлаштырды. Натижада у ғонишманц табиб сиғатида ҳам таңилді. Уннинг "Махмуд" исми ёйға "Ҳаким" таҳаллусини құшып ёзиши үам табобат билан шүргулланғанлигига ишорады. Махмуд Ҳаким савесеңіз, жохыл ва ғириғар табиблардан ныоятта нафратланған. Ҳалқнинг құзини очып мақсадыла у тиббий асарлар ҳам ёзишга ақд қиласы. Уннинг үзбек тилицегі дастлабки тиббий асари "Тарих ул-илок" ("Даволаш усули") 1913 йилда Құқондағы Шумаков матбаасыда чоп әтілген. Шундан сүнг Махмуд Ҳаким "Маъдан ул-адвия" ("Дорилар қона"), "Қонун ул-илок" ("Даволаш қонуни") сияғары тиббиёттә оңд асарлар әзді.

Махмуд Ҳаким совет қоғымында үйларыда ҳам ижодий ва илмий ишларини давом әттириди. У "Девони Ҳакимий"га кирган шеърларини қайта ишлаб, мұкәммал ҳолға келтирди. "Хуллас ут-таворих" ва "Қонун ул-илок" асарларининг көнгайтирилған нұхасини (1929 й.), "Мужарроби Махмүций" ("Махмуд тажрибалари") асарини ёзды.

Үз умріні илм-мағриғатта, ижодға бағыллаган шоир ва олим Махмуд Ҳаким Яйғоний 1930 йил баһорица үз қишлоғида 80 өнімдің өзінен өтті.

Хөзирги күнгача бізге Махмуд Ҳаким Яйғоний ёзған 14 асар мәддүм будыл, улар қуйидагилардир: 1) "Девони Ҳакимий", 2) Қиссан Абу Али Синои туркий", 3) "Хуллас ут-таворих", 4) "Тарих ул-илок", 5) "Қонун ул-илок", 6) "Мужарроби Махмүдий", 7) "Маъдан ул-адвия", 8) "Мұнаввар ул-абсөр", 9) "Ташрих ул-инсон", 10) "Мажму' үл-хинөти нөбіи туркий" 12) "Гасриф ул-атфол", 13) "Изох үс-сарғ", 14) "Фаният ул-масоҳат".

Өкөрилдегі рүйхатда номи санаған асарлардан 7 таси, янында "Маъдан ул-адвия", "Мұнаввар ул-абсөр", "Ташрих ул-инсон", "Авроди

ци Зайнабия", "Тасриф ул-аттөр", "Изох ус-сарр", "Мажмұу ул-жике-  
коёти нөбөп түркій" асарлари, ағасуски, ҳозирча топилгани йүк.  
Көлган 7 та асарининг құләзма ва тошбосма нұсқалари Құқон шахри-  
даги F.Гулом номли видоят адабиёт музейи хазинасида сақланыпқа.

Күйида шу асарларнинг тасвиғиңи көлтирамиз.

I. а) Әевони Ҳакимий. И nv. № 70.

Мата Құқоннинг новеотранг юпқа, шилдирок ишак қоғозига үртача йи-  
риклиндеги настаълиқ хатида қора сиёх билан ёзилған. Шेърлар ҳар  
саҳифага иккى устун қилиб, 20 сатрдан жойлаштирилған. Ҳошиясида  
(вв. 2а, 4а, 5а, 6а, 7а, 12а, 18а, 19а, 20а, 21а, 32а, 36а,  
42а, 46а, 47а, 52а, 59а) шу сеҳифалардаги шеърларга алоқадор ай-  
рим ёзувлар бор. 69а, 73а, 77а, 78а, 79а варақлар буш қолдирил-  
ған. 26б; 73б, 78а варақларнинг ярмуга ҳам ҳеч нарса ёзилмаган.  
Құләзма 37 саҳифа (26а варақ) гече рақамланған. Көлган варақларда  
рақамлар йүк. Құләзма умуман яхши оқылданған. Дастхат. 80 варақ.  
Мата үлчови - 15 x 19,5, құләзма үлчови - 18 x 25,5. Бу нұсха  
тахминан 1925 йилда ҳозирги Фағона вилояты, Үзбекистон тұмани-  
нинг Пастки Қуриқ қышлогида күчирилған. Нұсха Махмуд Ҳакимнинг  
"Худлас үт-таворих", "Тарик ул-илж", "Мұжарработи Махмудий"  
асарлари билан биргә құшиб битта қора картон мүкова ичига олин-  
ған.

Құләзма таркиби қүйидеги:

I ҳамд (в 1б), I7 та наът (вв. 2а, 4а, 5а, 6а, 7а, 9а, 12а,  
18а, 19а, 20а), 310 ғазал (1б-73б), I соқийнома (74а, 76а), I4  
рубойй (79б-80а).

Бу құләзма Махмуд Ҳаким дәвонининг бизга маъдум яғона тұлиқ  
нұсқасидир.

б) Әевони Ҳакимий. И nv. № 101.

Бу нұсха чиэзқли идора дафтари қоғозига үртача йириклидеги  
настаълиқ хатида қора сиёх билан күчирилған. Варақларнинг барча-  
сыда йирик-йирик сүв дөрглари бор. Нұсха тахминан XX аср бошлары-  
да Құқонда китобат қилинған. Мата ҳар саҳифада иккى уотулага 30  
сатрдан жойлаштирилған. Құләзма бәзаксиз. Ҳар саҳифа оқидай иккى  
чиэзқли жаңвал ичига олинған. Құләзманинг пастки қисми бир өз  
Йиртилған. Тәтмиранмаган. Ҳар бир саҳифа рақамланған. Даостхат.  
Құләзма тұлиқ әмәо. Фақат уннан охирги 94-107 саҳифалари оқыланиб  
қолған. 7 варақ. Мүқовасиз.

Құләзманинг таркиби қүйидеги:

I4 ғазал, 3 та соқийнома, I мусадда. Нұсха охирдеги мусадда

тугалланмай қолган. Жами 519 мисра. Мати улчови - 17x28. Қулёзма улчови - 30,5 x 30. Қулёзмада 70-рақамли нусха таркибида учрамайдиган 7 та разал мавжуд.

2. Ҳуллас ут-таворих. Изв. № 70.

Асар Қуқоннинг новвотранг юпқа, шалдириқ илак қофозига уртacha йириклидаги настальиқ хатида қора сиёҳ билан ёзилган. Сарлавҳалари ва айрим аҳамиятли кўмлалар қизил сиёҳда ажратилиган. Узбек тилида. Айрим саҳифаларни дод босган. Мати ҳар саҳифага уртacha 21 сатрдан бир устун қилиб жойлаштирилган. Пойгир йўк. Барча саҳифалар рақамланган. I-саҳифанинг юкори қисмига иуаллиғнинг муҳри босилган булиб, унда "Махмуд ибнъ мулло Шодимухаммад. 1328" сузлари мавжуд. Балий безаксиз. Қора картон муковада. Қулёзма умуман яхши сақлаётган. Лекин 155-158-саҳифалар қулёзмадан тушиб қолган. 154 ва 159-саҳифалар буш қолдирилган. 153-саҳифанинг ярмига ҳам ҳеч нарса ёзилмаган. 161 бет (92 варак) Мати улчови: 13,5x19.

Қулёзма улчови: 18x25,5

Қулёзма 1925 йилда Фарғона вилоятининг ҳозирги Узбекистон тумани Пастки қурғи қишлоғига кўчирildган. Дастрхат.

Асар мұқаддима ва 35 бобдан иборат. Еобларнинг барчасига сарлавҳа кўйилган. I-21 боблар бевоюга Қуқон хонларининг тарихига бағишлиланади. Қолган бобларда эса кабиний, сосоний подшоҳлари, араб ҳалиғалари, 12 имом, салжуқийлар тарихи, шунингдек, ҳизнлар ва европаликлар календарлари, ҳижрий йил ҳисоби ва унинг келиб чиқиши сабаблари баён қилинган. Асарда 400 мисрадан ортиқ шеърий парчалар ҳам мавжуд.

3. Тарик ул-илом. Изв. № 70.

Мати Қуқон қофозига (I-23 бетлар қалин оғ қофозга) уртacha йириклидаги настальиқ хатида қора сиёҳ билан ёзилган. Мати ҳар саҳифага уртacha 21. сатрдан бир устун қилиб жойлаштирилган. Барча саҳифалар рақамланган. Безакоиз. Махмуд Ҳакимнинг "Девони Ҳакими", "Ҳуллас ут-таворих" асарлари билан бир муковада. Қулёзмадаги 38б, 39а вараклар буш қолдирилган. Уларга рақам ҳам кўйилмаган. 43 варак (83 бет). Узбек тилида. Тиббийтга бағишлиланган.

Мати улчови: 13,5x19,5

Қулёзма Улчови: 18x25,5

Қулёзма I345 ҳижрий (1927 мелодий) йилда Фарғона вилоятининг ҳо-

зирги Ўзбекистон туманинаги Пастки қўриқ қишлоғида кўчирилган.  
Дастхат.

4. Мужарработи Маҳмудий. И nv. № 70.

Нусха Қўқоннинг новвотранг юпқа, шалдириқ ишак қоғозига ур-  
тача йириклидаги настаълиқ хатида қора сиёҳ билан ёзилган. Матн  
ҳар саҳифага 23 сатрдан бир устун қилиб жойлаштирилган. Пойгир  
йўқ. Саҳифалар рақамланган. Қулёзма муаллифнинг "Девони Ҳакимий",  
"Ҳуллас уғ-таворих", "Тарик ул-илок" асарлари билан бир мұқовада.  
Қулёзма яхши сақланган. Асарнинг охирги саҳифалари йўқолган. 59  
бет (30 варәк). Ўзбек тилида.

Матн улчови: I4,5x22

Қулёзма улчови: I8x26,5

Қулёзма тахминан 1927 йилда Фарғона вилоятининг ҳозирги Ўзбекис-  
тон туманига қарашли Пастки қўриқ қишлоғида кўчирилган. Дастхат.

Маҳмуд Ҳаким тиббиётга оид бу рисоласида Шарқ ва Русия табо-  
батида ишлатиладиган дори-дармалар ҳамда Узи тажрибадан үтиаз-  
ган дорилари қандай исаолларларга шифо булишини баён этган.

5. Конун ул-илок. И nv. № 41.

Қулёзма бир чизиқли бухгалтерия дафтарига настаълиқ хатида  
яшил сиёҳ билан ёзилган. Матн ҳар саҳифага 33 сатрдан бир уотун  
қилиб жойлаштирилган. Сарлавҳалар ва айrim мұхим сўзлар қизил  
сиёҳ билан акратилган. Барча саҳифалар рақамланган. Безакисиз.  
Иккى жилд. Қора картон мұқовада. Араб тилида.

Қулёзманинг 8-13-саҳифалари ўнг томонидаги юғори қисми еми-  
рилиб йиртилган. Мұқовавининг ҳам бир тоқаси юғори томонидан ярми-  
гача емирилиб, йиртилган. Қулёзманинг охирги йўқолган.

381 бет (192 варәк). Тиббиётга бағишиланган.

Матн улчови: I7x27

Қулёзма улчови: 21,5x33,5

Қулёзма 1929 йилда Фарғона вилояти ҳозирги Ўзбекистон тума-  
нига қарашли Пастки Қўриқ қишлоғида кўчирилган. Дастхат. Қулёз-  
ма "Конун ул-илок" асарининг ягона дастхат нусхасидир. Маҳмуд  
Ҳакимнинг тиббий меросини урганишца алоҳида ажемиятга эга.

6. Раис ул-хукамо Абу Али Сино қиссаои. И nv. 444.

Нусха сарқи рангли фабрика қоғозига томбосма усулини босиyll-  
ган. Хати уртача йириклидаги настаълиқ. Матн ҳар саҳифага 21

сатрдан койлаштирилган, безаксиз. Матн оддий қора жадвал билан уралган. Кейиаги даврда қилинган оқ картон мүқовада. Асарнинг охирги варәқлари йўқолган. Баъзи саҳифаларни юғ босган. Унвон варагининг чап томонига Қўқон адабиёт музейининг муҳри босилган. 96 бет, Ўзбек тилида. Насрий асар.

Матн улчови: 9 x 19.

Кулёзма улчови: 12,5 x 22,5.

Нусха I332 ҳикрий (1914 мелодий) йилда Қўқонда Шумаков босмахонасида босилган. Котиб: Мулла Шоҳ Назар ҳоки Ямғоний. Асар I мұқаддима, 4 мақола ва I хотимадан иборат.

#### 7. Фаният ўл-масоҳат. Изв. № 194.

Нусха сарғыш фабрика қөғозига тошбосма усулида босилган. Хати йирик ва равон настаълик. Матн хар саҳифага ўртача I9 сатрдан жойлаштирилгани. Унвон варагининг ўртасига муаллиғчинг саккиз бурчакли муҳри босилган булиб, унда қуидаги сўзлар ёкилган: "Мулло Махмуд ибни Шодимухаммад. I328". Шу муҳрнинг чап томонига Қўқон адабиёт музейининг турт бурчакли муҳри босилган. Барча саҳифалар оддий уч чизиқли қора жадвал билан уралган. Мүқовасиз. Нусха умуман яхши сақланган. Тулиқ. Лекин унвон варагининг чап томони бир ойирилган. 16 бет.

Матн улчови: 12 x 20,5.

Кулёзма улчови: 16,5 x 25,5.

Асар ҳикрий I333 (1915 мелодий) йилда ёзиб тугалланган. Котиб: Фазил Аҳмад махдум бинни Абдулжодир қори Ҳўқандий. I915 йилда Қўқондаги Вайнер босмахонасида босилган.

Асар болаларга ер улчаш ва ганоб (топография) илмини ургатиш мақсадида ёзилган. Асарда жами 26 та геометрик шакл көлтирилган. Юкоридагилардан ташқари, диссертацияда Махмуд Ҳаким асарлари тошбосма нусхаларининг ҳам батафсил тавсифи берилган.

Тадқиқотнинг иккичи боби "Махмуд Ҳакимнинг адабий мероси" деб номланган.

Махмуд Ҳакимнинг ижодий меросида девон салмоқли Үрия әгалайди. Бизгача девоннинг икки нусхаси етиб көлган. Ҳар иккала нусха ҳам Қўқон адабиёт музейи фондида сақланмоқда. 70-рақамли қулёзма девоннинг таркибида I ҳамд, I7 наът, ЗИО ғазал, I мусаддас, I соқийнома ва I4 рубойи - жами 5590 мисрдан иборат 344 та шеър мавжуд.

101-сақланиш рақамли қулёзма таркибида эса I4 та ғазал, I

мусаддас, З та социйнома - жами 519 мисрадан иборат 18 та шеър бор. Ҳар иккала нусхацеги шеърларни қўшиб ҳисобланганда биз ҳозир Махмуд Ҳакимнинг 6109 мисрадан иборат 362 та шеърни уз ичига олувчи девони ҳақида Фикр юритиш имконига эгемиз. 70-сақланиш рақамли қўлёзма (бундан кейин уни А нусха деб юритамиш) девонни 102-сақланиш рақамли қўлёзма (бундан кейин уни Б нусха деб юритамиш) билен солиштириб текширганимизда Б нусха таркибидеги 14 та разалдан 7 таси А нусхага ҳам киритилгани маълум булди. Қолган 7 таси фақат Б нусхада мавжуд. Ҳар иккала нусхага ҳам киритилгак шеърларни бирбирига қиёслаганимизда, жилдий ғарқлар мавжудлиги аниқ булди. Бир мисол.

"Такаллумда қачон ширин сухан ул даъли тар қилди" цеб бошлинувчи разал.

А нусхада:

Такаллумда қачон ширин сухан ул даъли тар қилди,  
Садағлар оғзиданким жўп қруб мавқи гуҳар қилди.

Хиром этсанг гулистана, нисори мақдамингдур, деб,  
Ки, ҳар гулзордан юз нарғису гул сийму зар қилди.

Сани шавқингда юрганлар гирибончок эрур доим,  
Кузидин ашқ дарёсини мавжин ҳар сахар қилди.

Вафо айларни фикрида дилимни ичра сув булдум,  
Магарким ул ғами дийдор учун чашмимни тар қилди.

Куруб бул сувратим, ҳоли дилимдин бехабар булма,  
Дамодам бул замиримданким мавқи юз гуҳар қилди.

Жаҳон ғавғосидан қочгил, ғаноя жаҳд ила, эй жон,  
Ҳамиша шомни пинхонидан қуши сахар қилди.

Гириҳлардур мани бул обройим шамъ ашқидек,  
Мудом уз жойида сувдур, агар душса шарап қилди.

Жаҳонни иззу либали, ривожи кумла йук булгай,  
Қачонким ҳоки куйингни Ҳакимий ғавқи сар қилди.

(ДҲ. в.706-71a).

Б нусхада:

Табассумда қачон ранги фуҳан ул даъли тар қилгай,  
Раги гулданки ранги жўп уруб мағқи гуҳер қилгай.

Гулистаним тамотосик нисори мақдамига деб,  
Ки, ҳар гулдан чаман юз наргисистон сиймү зар қылгай.

У дийцорицкни мұштоқи гирибончок әрүр доим,  
Ки, юз түбөн күзидан ашқ мавжын ҳар сахар қылгай.

Руборим захмати ул остан қылди гаронжоний,  
Дөңгилким нөласин олгайки, то жойи пигар қылгай.

Вағони исматига пардаи цил ичра суи сүлкі,  
Мабодо, ул ғеми цийдор учук ашқым балар қылгай.

Агарчи сувратим холи, замирим ганжи пияхондуру,  
Күзум ногаҳки әсман очса, мавжы юз гүхар қылгай.

Жаҳон сармоясидең айлагил сайри сабук, эй кон,  
Дачонким шомны гарди кетур, ранги сахар қылгай.

Гирихлардүрки нақди обрудим шамъ ашикдек,  
Ки, ул то пардаға сувдур, агар дүшса шара қылгай.

Фалактар иззату токи, уружи нақши по бүлгай,  
Дачонким үл каби хокинг Ҳакимий ғавқи сар қылгай (ДХ, в.26).

Жөоридаги шеърнин жар иккапа нусхадаги матнияни түлиқ келтирғанимизга сабаб шуки, уларнинг цетрли жар байтида ғарғ ва ғазарни ёки жаддий таҳририи кузатиш мүмкін. Девондаги "Ул қағар бүлгай", "Қотгай", "Тошай" радиғли ғазаллар, шуаныңдек, "Матлаби ноёбга бохуда урма ғомни" миорасын билан башлануучи ғазал матнларда ҳам жөоридаги каби ғарғ ва тағовутлар мавжуд. А нусхадаги матниар Узининг бадий киҳатдан пишиқ, равонлиги, фикрнинг аниқ ижодаланғанлығы билан әзтиборни тортади. Шунга кура биз, Махмуд Ҳаким девонига кирған шеърларни кейинчалик қайта-қайта таҳрир қилиб, сайқелләген деган фикрга келдик. Шуниңг учун ҳам "Девони Ҳакимий" жекика фикр юритганда асоссан 70-рақамли қулёама (А нусха) га суннамиз.

"Девони Ҳакимий" Шарқдаги девон түзүш анъанаоига мос тарзда түзүлгән. Маълумки, Ҳофиз, Ҳомий, Навоий, Фузулий сингари Шарқ адабиётининг мұмтоз шоирлари уз девонларидаги илк ғазалнинг дастлабки байти (матлаъ) биринчи миорасини араб тилида битгандар. Махмуд Ҳаким ҳам улуғ устоз шоирларға әргашып, девондаги биринчи ғазалини араб тилида баштайты:

Қад жадонааллоҳ тарисал-ҳаққи, ҳаққул-ихтидо,

Бизлара лозим әрүрким шукрини қилоак адо (ДХ, в.16).

"Дилда савдо жүшишаңдан мунқалиб бүлди мизөк" деб бошланувчиға ғазалида Махмұд Ҳаким илм ахлини оламга сироқ (чирсік) деб таъриф-лаб, бу чироқ туғайли дүнё ва дин ёритиб гуришини таъкидлайды:

Илмдин бүлди мұнаввар дахр аро дүнёю дия,  
Тұғридурким, илм әлін гар деса оламга сироқ.

Махмұд Ҳакимнинг илим ва жаҳолат, доно ва қоданлар ҳақидағи фикрлари етти байтдан иборат бүлган құйидағи ғазалда үзининг ёрқин иғодасини топған:

Бул жаҳон бозорида хар ким матоъин арз әтар,  
Аҳли дүнё ойыму зар, ионо әли - ғазду ҳунар.  
Маъриғатдан молу дүнё эл аро ружхони вөр,  
Будъажаб бүл зұлматеки, ул әрүр шамоу қамар.  
Ҳар сағиғ олдидә донишдан дам урма, на билур,  
Жаңхары бұлмас ииши, бир тош ила қаңри гүхар.  
Әлга әхсон айладинг, құй они нисён тоқиға,  
Ким саңға зұм әтсақи, қыл они фикрингдан бадар.  
Ким саодат топти, иккі ишда ул собит бүлдүр,  
Едицан Ҳәкни унұтмай, фикр-ұлмоқда бұлар.  
Қакрави қаввордан оламдаким бүлци насиб,  
Ул ҳұмога үстүхон, сиғла магасларға шакар.  
То Ҳакимо, өзігүн иғбол бүлдинг, бүл әрүр,  
Топти аблაқ ганжу зар, қоногадур ҳуни жигар. (ДХ, 24а)

Инсон умренинг ғаниматлиғи, биғабарин, бу умраи беғойда иш-дарга сарғ құлмаслик лөзимлігіни таъкидлаш ҳам ғевонцаги етакчиғоялларданып. Бир мисол:

Бир ғанимат умрпур, эй дил, үзүнг ҳүшёр эт,  
Вақту мұхлат дахзапур, күз үйқудан белор эт (ДХ, в. I4б).

Бундан ташқари ғевонда мұхаббат мавзусидегі, ҳамца, табиат мансараларининг тасвирига бағишенген шеърлар ҳам талайгина бор-дир. Умрини табиблик касби билан үткааган Махмұд Ҳаким барча табибларниң үстози ҳисобланған Абу Али ибн Синоға чукур әхтиром билан қарғанлиги бизге маълум. У үзининг илмий асарларида Ибн Синонинг асарларидан күпләр мисоллар көлтиради. Бадий ишод билан ҳам қиддий шүгүлланған Махмұд Ҳаким дастлабки наорий асарини Ибн Сино сиймосини гавдалантиришга бағищаганлиғи бекіз әмас. Муал-лиф үзи тасниф әтгән бу асарни "Қисаси Абу Али Синои түркій" деб тилгә олади. Асарнинг бізгача ғақат 1914 йилда Құқонцаги Шумаков

босмаконасида тошбосма усулида кашр этилган нусхаси етиб келган, Асарнинг тузилиши ҳақида муаллиф китобининг бошида қўйицагича ёзди: "Бул китоб муқаддима ва тўрт мақола ва бир хотима бирла муратта булганибур. Аммо муқаддима шайх Абу Али Сино бирла Абул Хориснинг туғулганлари байдиладур. Мақолен аввал Абул Хорисни Багдод поштоҳи бирла қўилган муомеласи қиссасидур. Иккинчи мақола шайх Абу Али Сино бирла Миср поштоҳини қиссасидур. Учунчи мақола Абу Али Сино бирла Бухоро поштоҳини қиссасидур. Тўртунчи мақола Абу Али Сино бирла Кирмон поштоҳиен қиссасидур. Аммо хотима Абу Али Синонӣ вафоти байдиладур" (ИААС, 2-б).

Абу Али ибн Сино ҳақицаги қисса Махмуд Ҳаким Яйғонийнинг бизгача етиб келган ягона наорий асарицир. Асар соғ ӯзбек тилида ёзилган. Шунинг учун XX аср бошидаги ӯзбек арабий тилининг намунаси сифатида ҳам алоҳида аҳамиятга лойиҳасидир. Бундан талиқари қисса аср ботицаги ӯзбек наорининг шаклланити ҳақида муайян тасаввур беради. Тўғри, асардаги Ибн Сино образи тарихий шахс бўлмиш улуғ аллома Абу Али ибн Синонинг қиёғасидан анча фарқ қиласиди. Лекин муаллифининг мағсоади Ибн Синонинг илмий фактларга асосланган таржимиҳо ҳолини яратиш эмас, балки, ҳалқ орзусидаги Ибн Синонинг ағсоналар билан бозатилган ҳаётини бэён қилиш булган. У улуғ аллома ҳақицаги турли-туман ривоҷларни бир сюжет чизирига тизиб, шулар асосида унинг беқиёс илм соҳиби, оддий кишилар тақдири учун жонкуяр ва ҳар қандай шароитда ҳам узини йўқотмайдиган жасур инсон сифатидаги қиёғасини гавзалантиришга муваффақ булади. Қиссала кўп жиҳатдан илгари сурилган фикрлар юғорида биз таҳлилдан утиказган "Девони Ҳакимий" шеъларидағи маъриғатпарварлик, илмпарварлик формари билан борганиб кетади ва бир-бирини тўлгиради.

Диссертациянинг учинчи боби "Махмуд Ҳакимнинг илмий мероси" деб номланган.

Қўйон хонлиги ҳақида кўплаб асарлар, тағиқотлар ёзилган. Бевосита мазкур хонликнинг муайян бир даврида яшаб, тарихий воқеаларнинг кўпчилигига шахсан гувоҳ бўлган тарихчиларнинг ёзгани асарлари, айниқса, алоҳида илмий аҳамият касб этади. Махмуд Ҳаким Яйғонийнинг "Хуллас ут-таворих" асарини ҳам ана шунадай илмий маబалар қаторига киритиш мумкин. Бизга бу асарнинг ҳозирча иккига қўлбозма нуоҳаси матдум. "Хуллас ут-таворих"нинг Душанбе нусхаси ҳақида қозоқ тарихчиси Т.Бейсембиев ӯзининг рус тилида чоп этилган "Та'рих-и Шархуҳи қан исторический источник"

номли китобида маълумот берган<sup>1</sup>. Т.Бейсембировнинг маълумот бэришча, "Хуллас ут-таворих"нига Тажикистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида 1220-инвентарь раҳами остида сақланадиган қўлёсма нусхаси 38 варагдан иборат<sup>2</sup>. Лекин, Т.Бейсембиров Махмуд Ҳаким Йўғони - Фарғоний исми(такаллуси)ни "Махмуд Ҳаким Сафғани-Фарғони" тарзига иотугри қўллади. Бу, бизнингча олимнинг Махмуд Ҳаким Йўғоний тўғрисида етарлича маълумотга эга булмаганинг гидан бўлса керак.

"Хуллас ут-таворих"нинг иккинчи - муаллиф қаламига мансуб дастхат нусхаси Қўлондаги F.Руом номли вилоят арабийт музейи ҳазинасида 70-инвентарь раҳами остида сақланмоқда. Бундан ташқари, асарнага тошбосма нусхаси уам мавжуд. Бу нусха 1914 йилда Қўлонда Шумаков босмахонасида чол этилган. Тарих фанлари цокори Ҳ.Бобобеков Узининг "Қўсон тарихи" номли китобида шаҳардаги Жомеъ масжидининг қурилиши жақида сўз юритганда "Хуллас ут-таворих"нинг мазкур тошбосма нусхасидан перча келтириб ўтади<sup>3</sup>.

70-инвентарь раҳамли қўлёзманни асарнинг тўлдирилган, муҳаммал варианти цеб хисоблаш мумкин. Ағуски, асарнинг мазкур қўлёзма нусхаси жақида илмий жамоатчилик етарлича маълумотга эга әмас. Биз узимизнинг тадқиқотимида асосан "Хуллас ут-таворих"нинг мазкур Қўсон нусхаси жақида фикр юритамиз.

Асар қисқача муқаддима билан бошлини. Унда муаллиф Қўсон шахрининг берис булиши, бу ёрга ҳукмрон болгани пошшоларнинг ҳукмронлик паврлари ва умуман, ўтмишлаги қабний, сосоний ва хоказо сўлолаларчига тарихини қисқача баён қилишни ўз олнига мақсад қилиб қўйганлигини таткилдайди.

Асарнинг бошлинида муаллиф Узицен олдин ўтган муаррихлар сингари, Фарғона музофоги ҳукмзорларининг наисаб жиҳетидан Бобур Мирзога бориб етишини таъкидлайди-да, Ҳудоёрхоннинг шахарасини баён қиласи. Асарнинг Ҳудоёрхон ҳукмронлик даври Йилларопда рўй берган воқеа-ҳадисалар, Пулотхон қўзғолни, чор Россияси қўшинлари томонидан хонликнинг босиб олиниши ани эттирилган саҳифалари, айниқса, қизиқарли фактларга бойдир. Муаллиф мазкур даврда юз берган воқеаларнинг аксариятига Узи тоҳид булгани учун ҳам у келтирган ҷадидлар алоҳида илмий аҳамиятга эга еип. Асарнинг "Фулоджон" бобида Махмуд Ҳаким босқинчи рус аскарларининг

1. Бейсембиров Т.К. "Та'рих-и Шахрухи" как исторический источник.-  
Адма-Ата, 1987. С.59.

2. Уша ёсар . С.165.

3. Бобобеков Ҳ.Н. Қўсон тарихи. Тошкент. 1996,224-225-б.

Балиқчи ва Андижонда қылган хуирезмилари ҳақида жумладан бундай ёзади: "... ва аскари Русия ғаликчии күйдуруб, андин неча қишлоғнари ҳам күйдуруб ғорат аилао, ул ердин Орзуқулибек ном одан даләлети бирла Андижонга көлис, Култефа тарағидин Андижонга чунонам үт күб юбордик, тамоми дүкон ва сарой ва бозор ва масжид ва мадраса ва неча маҳалла ва ҳовли ва қанча одан ва мол ва ҳайвон ва матоълар тамсм кулиб хокистер бўлиб қолди..." (ХТ, в.67 б).

Асарнинг "Тарих бир минг уч юз ўттуз.....чи ҳизрикда Фарғона мулкида пайдо бўлган аломат ва ҳазодисотлар баёни" деб сърлавҳа куйилган боси ҳам әлоҳида илмий аҳамиятга молик. Бу бобда 1917 ва 1923 ийларда Йўқин ва унинг атроғида бўлиб ўтган ҳодисалар қаламга олинган. Ҳумладан, у шудай деб ёзади: "Ва ушал йилда вилоятларда кўб ўғрилар пайдо бўлуб, кечаларда ҳалқни (нг) молларини босиб олур эрдилар. Бас, бул ўғриларни иук қиммоқни(нг) фикрида бўлуб, Бачкир қишлоқдан Эргашбой номлик одамни келтуруб, Ҳўқақандга курбошилик мансабига муниаррар өйладилар" (ХТ, в.70 а). Ёша ийлардаги ҳалқнинг ачиарли ахволини Махмуд Ҳаким куйидегича тесвирилади: "Алкисса Фарғона мулкига чунсон шуриш ва ғавро ва қийматчилик пайдо бўлдики, пулга бир ғайса дон ға бозорлар ва уйларда бир фора нон топилмади. Кўб одамлар очликдан үдиллар. Камина музелифнинг жойи-мизга атрофдан очлик вазхидан келган одамлар (агарчи бизларни(нг) жойларимида таом бўлса ҳам) бинобар гуруснагийи собиқа үдиллар ва кўчаларда одамлар очликдан үлуб-улуб қолдилар" (ХТ, в.38 б).

Иана бу парча эса қизил гвардия қўшинлари "Босмачилар"ни тутатиш баҳорасида Кўконни қандай вайрон қылганларни ҳакида: "Охирул амр аскари Русия якбора ҳужум аллаб, бозор ва сарой ва дүконлар ва неча жойларга үт кўб ва одамларни тийрборонга олдиларки, кўб одамлар үлуб ва ҳама бозор ва сарой ва дўкон ва кўбо жойлар тамом девор бирла куюб хокистар бўлди" (ХТ, в.38 б).

Диссертациянда, шунингдек, асарнинг бошқа боблари мундарижаси ҳакида ҳам тўхтаб утилган. "Хуллас ут-таворих"да ёми 438 мисрадав иборат 47 шеър мавжуд. Маъқур шеъларнинг 44 таси ўзбекча, 2 таси фороча, 1 таси арабчадир. Шеълар куйидаги жаирларда:

Казам - 4, Рубсий - 2, Тайрих - 22, Китъя - 18, Фард - 1.

"Хуллас ут-таворих" таркибида шеърларнинг кўл бўлиши бекиз эмас. Зоро, тарих билан адабиёт бир-бирини тўйдиради. "Хуллас ут-таворих"даги шеърларнинг деярли ярми - 22 таси Кўлон хонлиги тарихидаги энг муҳим воқеа-ходиса, тарихий шахсларга бағишланган тартихлардан иборат.

"Хуллас ут-таворих"даги тўртта ғазалнинг бирортаси ҳам "Девони Ҳакимий"да учрамайди. Мазкур ғазалларни Махмуд Ҳаким "Хуллас ут-таворих"да тасвириланган юқеа-ходисаларга атаб маҳсус ёзганилиги сезилиб турди. Масалан, Олимхоннинг золимлиги туфайли давлатига путур етганлиги муносабати билан ёзилган ғазалда Махмуд Ҳаким куийдагича ибратли хуносалар чиқаради:

Барру баҳри олсалар ул шоҳлар,  
Охири ароус ила ҳосрат етар.  
Учуси токай ҳавога туғрокинг,  
Бул ҳаводен охири зиллат етар.  
Эй Ҳакимо, жавр қилима кимсага,  
Шоҳларга гулмдин оғат етар (ХТ, в. 38 б.).

"Худди шу фикр "Ишонгани шоҳ, бўлур тиги тез", "Дижни юни бирла шоҳдарким сурхрўй" деб бошлинувчи ғазалиларда ҳам ривожлантирилган.

Хуноса қилиб айтганда, Махмуд Ҳакимнинг "Хуллас ут-таворих" асари Кўлон хонлиги тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат килади.

Диссертациянинг учинчи бобсида Махмуд Ҳаким Йиғонийчнинг тибиётига оид "Тарик ул-илож", "Мужаррботи Махмудий", "Кронун ул-илож" асарларининг кўлёзма ва тошбосма нусхалари, уларнинг мундарижаси ҳакида ҳам бетафсил маълумотлар берилган. Мазкур бобда, шунингдек, муаллифнинг тиббий асарларидаги шеърий парчалар ҳам таҳдил этилган. "Тарик ул-илож" асари кўлёзма ва тошбосма нусхаси охириде бир ғазал ва маснавий мавжуд. "Иноят айлади Эзид кима, хикмат ато айлар" деб бошлинувчи мазкур ғазал "Девони Ҳакимий" таркибида бор. Тасиоларга бағишланган маснавий асарнинг кўлёзма нусхасида "Шу замондаги жоқил табиблар баёнида" деб номланган. Тошбоома нусхада эса мазкур шеър сарлавҳа-сиз берилган. Ҳар иккала нусхада ҳам шеър 32 мисрадан иборат.

Умуни айтганда, Махмуд Ҳакимнинг илмий аэзлеридан шоирчнинг нафаси келиб туради, шеърий асарларида эса олим фикрлар-

нинг салобатини сезиш мумкин. Бу икки жусусинт бир-бирини тұлдириб, унинг асарлари салмоғини ошириб, ахамиятими күчетириади.

Ушбу тадқикот натижаларидан қўйидаги холосаларни чикариш мумкин:

1. Тадқикотда биринчи марта Махмуд Ҳаким Йифонийнинг адабий, илини мероси бўлича сақланган қўлёзма, тошбосма асарлари нусхалари мансафунослик нуктаи назаридан тасвиғдан утказилди, жусусан, "Девони Ҳакимий" таркибидаги шеърларнинг ионографик тасвиғи берилди.

2. Махмуд Ҳаким Йифонийнинг Кўкон шахридаги Ўзулом номли вилоят адабиёт музейи ҳазинасида саклангаётган ноёб қўлёзма ва тошбосма асарлари биринчи марта яхлит ҳолда тадқик этилди.

3. "Девони Ҳакимий"даги аирим шеърларнинг вариантлари хусусида матишунослик нуктаи назаридан алоҳида фикр-мулоҳазалар критиленди.

Девондаги шеърларнинг маъзуси, ёсияй мундарижаси батағ-сияд баён этилди. Шунингдек, Мирзо Аодулқодир Бедик асарларининг Махмуд Ҳаким шетриятига таъсири, XIX аср охири XX аср бошларидаги Кўкон адабий мухити намояндадари, айнина, Фуркат билан Махмуд Ҳакимининг ижодий ҳамкорлиги масадаларига тадқикотда көнг жои амратилиб таҳдил қилинди.

Махмуд Ҳакимининг биага маълум ягона насрый асари "Қиссан Абу Али Сино" ҳам биринчи марта илмий тадқик этилди. XX аср бошидаги узбек адабиётиде улуғ аллома Абу Али ибн Сино сиймосини Қратиша мақкур қисса дастлабски кадам бўлганлитига алоҳида ёътибор берилди.

4. Ушбу тадқикотда "Хуллас ут-таворих"нинг Ўзулом номли вилоят қадабиёт музейидаги саклангаётган ягона ва ноёб дастхат нусхаси асос қилиб олинди. "Хуллас ут-таворих"нинг мақкур дастхат таъхасидагина манижд бўлган шеърий парчалар (умумий ҳажми 438 мисрадан иборат) аникланиб, илмий истифодага киритилди. Пировардиди, "Хуллас ут-таворих" истаъдодли шоир ва олим томонидан ёзилган оригинал асер эканлиги исботлаб берилди.

5. Махмуд Ҳакимининг тибиоиётга оид узбекча "Тарик ул-илюҳ" "Мужарработи Махмудий", арабча "Кронн үл-илюҳ" асарларининг қўлёзма ва тошбосма нусхалари биринчи марта батағсия илмий таҳлил этилди. Таҳлил жараёнида "Тарик, үл-илюҳ"-асарида ҳам шеърий парчалар (умумий ҳажми 46 мисрадан иборат) маъжудлиги аникланиб,

улар ҳақида ҳам алоҳида тұхтаб үтилди.

Мәхмуд Ҳаким Яйғоний адабий ва илмий мероси манбаларининг тадісік, әтилиши шоир ҳаёти ва ижодини ўрганишга мухим ҳисса булиб күшилади, деб умид қиласынан.

Диссертация юзасидан зылсан қилингандай маколалар:

1. Махмуд Ҳаким Яйғоний – матриғатпарвар олим за шоир. "Адабий мерос", 1988, № 4-6. 52-56-б.
2. Фуркатнинг бир тоғикча ғазали за унта жаоблар. Фуркат ижодиёти. "Фан", 1990. I50-I53-б.
3. Ҳамкорлик самаралари. "Адабий мерос", 1993, № 3-4. 27-30-б.

Авторефератда күлланган қисқартмалар:

ДХ – Девони Ҳакими.

ҚАСС – Киссан Абу Ахи Сино.

ХТ – Хуллас ут-таворих.

## РЕЗЮМЕ

Настоящая диссертация посвящена исследованию рукописных и литографических источников творчества поэта и ученого Махмуда Хакима Яйфони (1850-1930) и состоит из введения, трех основных глав, заключения и списка использованной литературы.

В введении обосновываются актуальность темы, степень ее изученности, научная новизна, цели и задачи, методологические основы и методы исследования, теоритическая и практическая значимость работы. В первой главе "Жизнь Махмуда Хакима Яйфони и описание его произведений" подробно излагается основанная на фактах биография поэта и исследуются ценные рукописные (автографы) и литографические источники произведений М.Х.Яйфони, которые сохраняются в фондах областного литературного музея им.Г.Гулума в Коинде. Дано монографическое описание сборника стихов под названием "Диван-и Хакими".

Вторая глава - "Литературное наследие Махмуда Хакима" посвящена исследованию литературных произведений Махмуда Хакима. Подробно анализированы стихотворения поэта, включенные в "Диван-и Хакими" о точки зрения текстологии и литературоведения. Затем исследуется прозаическое произведение Махмуда Хакима "Повесть об Абу Али ибн Сина". Кратко изложено содержание данной повести. Особое внимание удалено образу главного героя повести в Абу Али ибн Сины и подчеркнуто значение повести в развитии узбекского литературного языка и узбекской прозы в начале XX века.

Третья глава посвящена текстологическому исследованию научных произведений Махмуда Хакима Яйфони. В этой главе анализируется уникальное произведение автора, посвященное истории Кокандского ханства "Хуллас ат-таварих" ("Сливки истории"). Редкий рукописный экземпляр (автограф) этого произведения исследован в сопоставлении с его литографическим изданием. Отдельно изучено стихотворение, содержащееся в составе "Хуллас ат-таварих".

Затем исследуются произведения Махмуда Хакима, посвященные к медицине.

В заключении диссертации отмечается, что первое полное исследование рукописных и литографических источников произведений Махмуда Хакима Яйфони имеет особое важное значение в изучении жизненной и творческой деятельности этого многогранного поэта и ученого.

## ABSTRACT

### Sources of Mahmud Hakim Yayfoni's literary and Scholarly Heritage

This dissertation is devoted to the study of the manuscripts and lithographies of poet and scholar Mahmud Hakim Yayfoni's creative heritage. It consists of an introduction, 3 main chapters, conclusion and bibliography.

The introduction expresses the urgency of topic, its level of investigation, scholarly novelty, purposes, methodological bases and theoretical and practical significance.

The first chapter entitled "The Examination of Mahmud Hakim Yayfoni's life and works" surveys the poet's biography based on facts as well as the manuscripts and lithographies of his literary works preserved in the Ghafur Ghulam State Literary Museum in Qoqan.

The Second chapter named "The literary Heritage of Mahmud Hakim" considers the examination and explanation of M.Hakim's literary works. This chapter illuminates M.Hakim's DIVAN from the point of view of literary and text criticism. In addition, his story about Abu Ali Ibn Sina and its ideological content and importance are examined.

The third chapter entitled "The scholarly Heritage of M.H.Yayfoni" examines "Hullas-ut-tavorikh written by him and devoted to the history of Qoqan Khanate. Here the manuscript of this above mentioned work is compared to its lithographic version. The poems of Mahmud Hakim appeared in Hullas-ut-tavorikh are also examined separately. In addition, the same chapter examines M.Hakim's medical works such as Tariq-ul-ilaj,

Mujarrabati Mahmudiy and Qonun-ul-iloy as well as pieces of poems appeared in Tariq-ul-iloy.

The conclusion stresses the fact that this is the first complete study devoted to manuscripts and lithographies of M.H. Yayfoni's creative work. It also states that the life and creative activities of this poet and scholar are very important for a separate examination.

The content of this dissertation has found its expression in 3 previous articles published in scholarly journals.